O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 24 DEKABR
SESHANBA
№ 156-157 (27.016)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ЎЗБЕКИСТОН — УКРАИНА:

## ҲАМКОРЛИК САҲИФАЛАРИ

### Шоирга ҳайкал — дўстликка сайқал

Мамлакатимиз пойтахтида украин халқининг улкан шоири Тарас Шевченко ҳайкали очилаётган тантанали кезларда у ерда ҳамкасблар беихтиёр гурунглашиб қолдик.

— Украинлар киришимли, тезда тиллашиб кетадиган халқ, — сўз бошлади Шоҳайдар Марҳабибов. — Ҳали Х асрдаёқ Хоразм давлати билан Киев ўртасида ўзаро савдо-сотиқ алоқалари бўлган... Ҳозир аниқ вақти эсимда йўғ-у Киевдаги шоҳ кўчалардан бирига буюк бобомиз Алишер Навоий номи берилганига ҳам анча бўлди.

— Президентимиз Ислом Каримов Украинанинг Биринчи даражали Доно Княз Ярослав ордени билан мукофотланганда, — гапга қўшилди Мирбахтиёр Мирфайзиев, — нафақат ўзбеклар, ўзимизнинг украинлар ҳам қанчалик қувонганини ўзим кўрганман...

— Тунов кунги ҳужжатли фильмни ҳам кўрдингизларми? — сўрадим улардан.

— Қайси?

— «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси, Киев шаҳри маъмурияти ва унинг Тошкентдаги ваколатхонаси ташаббуси билан «Дўстлик ришталари» деган фильм суратга олинибди. Ўзбекистон — Украина алоқаларини қойилмақом қилиб ишлашибди...

Шу аснода диққатимизни халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг Ўзбекистон телевидениеси «Ахборот» дастурига берган интервьюси тортди.

— Тарас Шевченко — украин халқининг ватанпарвар, миллатпарвар буюк шоири, — деди у меҳр ва ҳаяжон билан. — Украин адабиётининг улкан асосчиларидан бири бўлган бу зотнинг дунёга машҳур «Кўбизчи» («Кобзар») асари ўзбек китобхонлари учун ҳам севимли мумтоз асарлар қаторига киради...

Ўзбекистон ва Украина тупроғида икки халқнинг буюк зотлари Мир Алишер Навоий ва Тарас Шевченко номи билан кўчаларнинг номланиши ва ҳайкалларнинг кўр тўкиб туриши — мамлакатимиз аҳлининг бир-бирларига меҳр-муҳаббатидан, азалий дўстлик анъаналарини қадрлашларидан шаҳодатдир... Мухтасар қилиб айтганда, шоирга қўйилган ҳайкал дўстлигимизга яна бир сайқалдир...

Шоир шеърлари пойтахтимиздаги 110-мактабда ўзбек ва украин тилларида янграганда Президент Леонид Кучманинг юз-кўзларида севинч балқиди. У мактабга ўзи ҳадя қилган компьютерлар тизимининг иш жараёнлари билан танишди, болалар ва уларнинг мураббийлари билан суҳбатлашди.

(Давоми 2-бетда)

## «ОЗОД МАМЛАКАТНИНГ ОЗОД ФАРЗАНДИ, БИЛИБ ҚЎЙИКИ, СЕНИ ВАТАН КУТАДИ!»

ФОТОТАНЛОВИГА



«Ҳар қандай миллатнинг равнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуклигига боғлиқдир.» Баркамол авлод орзуси билан яшаётган мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ўрнини белгиловчи омил ёшларимизнинг ақл-заковати, илмий салоҳиятидир.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети 4-курс талабаси Шаҳноза Матназарова мазкур йилда журналистика йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлди!

Шаҳнозанинг сиёсий воқеалар, халқаро мавзуларга бағишланган юздан ортиқ мақолалари республика матбуотида эълон қилинган. У сиёсатшунослик соҳаси бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда. Ўзбекистон ташқи сиёсати, хусусан, мамлакатимиз геосиёсатида миллий манфаатлар мавзуида бакалаврлик ишини тайёрламоқда. Шаҳноза анжуманлар, республика олимпиадалари иштирокчиси ва ғолиби. У хорижий тиллардан рус, инглиз, француз тилларини яхши билади.

Ўзбек журналистикасининг келажаги Шаҳноза Матназарова каби иқтидорли ёшларга боғлиқ.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

## ЮНИСЕФ ВАКИЛЛАРИ АНДИЖОНДА

Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг Марказий, Шарқий Европа Ҳамдўстлик ва Болтиқбўйи мамлакатлари ҳудудий ваколатхонаси директори Филип О`Брайн, Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Бренда Свиго хоним, республика Болалар жамғармаси раиси И.Юсупова, ЮНИСЕФ дастурлари маслаҳатчиси М.Раҳимжонов, ЮНИСЕФ ваколатхонаси катта котибаси Г.Янбухтиналар Андижонга ташриф буюрдилар.

Ўзаро мулоқот чоғида қишлоққа саноатни олиб кириш, болалар саломатлигини сақлаш соҳасида ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳақида фикр билдирилди.

Шундан сўнг меҳмонлар вилоятдаги халқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг ёрдамини олган Андижон шаҳридаги 3-туғуруқ мажмуи ҳамда Болалар жамғармасининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатига ташриф буюрдилар.

3-туғуруқ комплекси ЮНИСЕФнинг «Она сути билан боқишни муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш» ҳамда «Она сути билан боқишда муваффақиятли ўн қадам» дастурларини биринчилардан бўлиб амалиётга татбиқ этиб, халқаро сертификатга эга бўлган эди. Ташриф давомида жаноб О`Брайн ана шу дастур асосида қандай ишлар амалга оширилаётгани билан қизиқди.

■ **Аҳмадилло СОЛИЕВ**

ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

## БИДЪАТ НИМА, ХУРОФОТ НИМА?

### ЁКИ НОЎРИН ТАДБИРЛАР, АСОССИЗ МАЪРАКАЛАР ҚУЛИГА АЙЛАНИБ, ЎЗИМИЗ ВА БОШҚАЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАНИМИЗ ҲАҚИДА

Бир мамлакатнинг одил ва доно подшоси қарилик ёшига етгач, тахтни ўғлига топшириб, дебдики:

— Эй кўзимнинг нури, умидим чечаги, бу обод мамлакатни сенга топшираяпман. Ақл билан иш юритгин ва унинг хорланишига йўл қўйма. Мен мамлакат бойлигидан ташқари ўзимнинг бойлигимни ҳам сенга топшираман. То менинг жоним бор экан, сен унинг бир мисқолига ҳам тегмагин. Аллоҳнинг ҳузурига жўнаганимдан сўнг бу хазинани очасан-да, мискин-камбағалларга улашиб чиқасан. Токи уларнинг дуоларидан руҳим баҳраманд бўлғай.

Не бахтким, ўғил ҳам отаси каби доно экан. Мамлакатни яхши идора этиб, юртни янада обод қилиб, раият дуосини олибди. Аммо унинг бир одати бор эканки, на сарой аҳли ва на шаҳар аҳли тушунаркан. Бирор-бир кишининг «Эй подшоҳим, бу қилиғингизни тушунмоққа ақлларим қосирлик қиляпти, бизга бунинг маъносини англатиб қўйинг», демоққа юраги бетламас экан. Вақтики келиб, кекса подшоҳ собиқ ва содиқ мулозимларини чорлаб, ўғлининг ҳол-аҳволини сўраганида улар юрак ютиб, воқеани баён қилган эканлар. Ўғлининг қилиғидан ҳайратланган подшоҳ дарҳол уни чорлатиб, бу ҳаракатининг маъносини сўрабди. Ўғил фарзандлик бурчига, одобига риоя қилган ҳолда дебдики:

(Давоми 2-бетда)

**Янги йилнинг арча байрами кўплаб давлатларда ҳар йили ўтказилади. Шунингдек, республикамизда ҳам. Ҳар йили бунга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Мақсад: болажонлар, республикамиз аҳолиси байрамни кўнгилдагидек ўтказишларига шароит яратиш, қалбларига олам-олам завқ-шавқ, кўтаринкилик бахш этиш.**

**Мазкур ишга жазм этган мутасаддилар учун бу ширин ташвиш. Биз журналистлар ҳам йилда бўлмаса-да, ҳар қалай янги йил тадориги ҳақида бир-бир репортажлар бериб қоламиз.**

**Ўқувчи учун барибир қизиқ — бу йил арча байрами қандай ўтказиларкин? Шу саволга жавоб топиш илинжида Тошкент шаҳар савдо департаментига боғландик. Департамент бошлиғи вазифасини бажарувчи Саидаъзам САИДАҲМЕДОВ қуйидагиларни гапириб берди:**

— Тошкент шаҳар ҳокимининг шу йил 13 декабрдаги 714-сонли «Қишки таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори бажарилишини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар аҳолисига янги йил шодиёнасини юқори савияда ташкил этиш юзасидан савдо департаментимизда аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди ва туман бошқармаларига ижро учун тақдим этилди.

**— Кечирасиз, арча савдоси кўпчиликни қизиқтирмоқда. Шунинг учун...**

— Тушундим. Табиий арчалар савдоси бўлади. Пойтахт аҳолисига арча савдосини ташкил этиш масаласи Ҳамза туманидаги «Насриддин қори» масъулияти чекланган жамият зиммасига юкланган. Шу йил 25 декабрдан шаҳарнинг гавжум жойлари — Пушкин ва 1 май кўчалари чорраҳаси атрофида, Миробод бозорида, «Тошкент» универмаги олдида, Сайилгоҳ кўчасида, «Чилонзор СМ» дўкони олдида арчалар савдоси ташкил этилади. Улар келишувга асосан Тошкент вилоятининг

## АРЧА БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

ТАРАДДУД

Бурчмулла ўрмон хўжалигидан келтирилади. Лекин шуни айтишим кераккки, битта арчани ўртача ўстириш учун 5 йил вақт керак. Биласиз, арча табиий бойлигимиз, мусаффо ҳаво кафолати. Шунинг учун ҳам уни савдога камроқ чиқармоқдамиз. Кўпроқ «Совпластитал» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган сунъий арчалар ва ўйинчоқлар савдосини ташкил этмоқдамиз. Уни харид қилган одам 5-6 йилгача шу арчадан фойдаланаверади.

**— «Президент арчаси» байрами қаерда ўтказилади?**

— Шу йил 29-30 декабрь кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида «Президент арчаси» байрами ташкил этилади. Унда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига ва кам таъминланган оилалар фарзандларига Қорбобо ва Қорқиз қувонч улашади. Бепул нонушта ташкил этилади.

**— «Янги йил бозори» ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Мустақиллик майдонида 20 та байрамона савдо шахобчалари 25 декабрдан ташкил этилади ва улар 30 декабрдан келгуси йил 10 январгача ишлайди. 8 та озиқ-овқат, 4 та саноат моллари савдо корхонаси



ҳамда 20 га яқин хусусий тадбиркор ўз маҳсулотлари билан иштирок этади.

Дарвоқе, 30-31 декабрь кунлари йирик озиқ-овқат ва саноат дўконлари туман ҳокимликлари билан келишган ҳолда иш вақтини кечки соат 22 гача узайтирадилар. Умумий овқатланиш корхоналари (ресторан, кафелар) байрам тадбирларини ўтказиш бўйича ташкилот ва корхоналар жамоаларига буюртмалар асосида хизмат кўрсатадилар.

**Дарҳақиқат, янги йил байрамига тайёргарлик нафақат ташкилот ё корхонада, балки ҳар бир хонадон, ҳар бир кўнгилда ўзгача шукуҳ ва иштиёқ билан кечмоқда. Зеро, шу баҳона яхши-яхши ниятлар дилдан тилга кўчади. Улкан ишлар учун шу кундан замин яратилади.**

■ **Алимқул СУЛТОН суҳбатлашди**

## «ЧОРВОҚ ОРОМГОҲИ» ЧОРЛАЙДИ




**Тошкент вилоятининг хушманзара Бўстонлиқ туманида «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов юртимизда табиат бойликларини асраб-авайлаш ҳамда юртдошларимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бир йил муқаддам Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан айнан мана шу жойда халқаро талабларга жавоб берадиган соғломлаштириш марказини бунёд этиш ишлари бошлаб юборилгани бунинг ёрқин исботидир.

2001 йил сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг Чимён — Чорвоқ курорт ҳудудининг табиий бойликларини асраш ва бу ерда соғломлаштириш, дам олиш тизимини ривожлантиришга қаратилган қарори қабул қилинган эди. Чимён-Чорвоқ минтақаси ўзининг қулай иқлим шароитига кўра курорт ва дам олиш мақсадлари учун махсус муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган. Қарорда кўзда тутилганидек, Ғазалкент — Чорвоқ — Бақачўл магистрал канализация коллектори, оқова сувлар учун насос станцияларининг қурилиши, Чирчиқ тозалаш иншоотининг кенгайтирилиши ушбу хушманзара маскан ҳудуди ва табиатининг мусаффолигини таъминлашда ўзига хос омил саналади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу ҳудудда уч юлдузли учта меҳмонхона, иккита пансионат, подстанциялар, ёзги чўмилиш ҳавзаси сингари кўплаб ҳордиқ чиқариш масканлари бунёд этиш режалаштирилган.

Марказнинг фойдаланиш учун топширилган биринчи навбатида эса, ҳозирча, 124 киши учун мўлжалланган меҳмонхона нафақат ҳамюртларимиз, балки хорижлик меҳмонларнинг йилнинг исталган мавсумида кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши учун жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатади. Шунингдек, ижара пунктлари, ресторан, кафе, спорт майдончалари ҳам дам олувчилар ихтиёрида бўлади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов, Тошкент вилоят ҳокими У. Мирзақулов иштирок этди.

■ **Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**



**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ ва Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар**

## ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

(Давоми. Боши 1-бетда)

## ЯНГИ БОСҚИЧЛАР

Ўзбекистон — Украина дўстлиги ва ҳамкорлиги доимо яхши бўлиб келган. Айниқса, мустақиллик йилларида бу ҳамкорлик кенг ривожланиш йўлига кириб, дўстлик алоқалари янги босқичга кўтарилди. 1992 йил 25 августдан эътиборан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўн йил ичида 130 га яқин икки томонлама шартномалар, битимлар имзоланди. Улар орасида 1999-2008 йиллар оралиғида Ўзбекистон — Украина орасидаги иқтисодий ҳамкорлик битими алоҳида аҳмиятга эга. Масалан, Ўзбекистон Украинага авиация, кимё, енгил саноат, газ, пахта толаси (ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тур) маҳсулотларини етказиб беради. Украина эса бизга қора металлургия, машинасозлик саноати моллари ҳамда шакар, писта ёғи каби товарларни экспорт қилади. Биргина шу йилнинг ўзида (ўн ойлик якунларга кўра) томонлараро ташқи савдо обороти 230 миллион АҚШ доллари даражасида бўлди.

Бугина эмас. Икки давлат ўртасида илм-фан, технология соҳасидаги ҳамкорлик уфқлари ҳам тобора кенгроқ миқёс касб этмоқда. Бу борадаги алоқаларнинг амалга ошишида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги 1995 йил 20 июнда имзоланган фан ва технология соҳасидаги ҳамкорлик битими айниқса муҳим роль ўйнайди. Масалан, сўнгги йилларда томонлар илмий технология маркази дастурларида фаол иштирок этиб, давлатларнинг илмий марказларида сейсмология, энергетика сингари кўплаб соҳаларда ўзаро ахборот алмашиш ва ўзаро маслаҳатлашувларни йўлга қўйдилар. Мавжуд илмий муассасалар негизида қўшма илмий-технология марказлари тузиш истиқболларини белгилаб олишди. Олий ўқув юртлари ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди. Талабалар ва илмий тадқиқотчилар алмашиш, мутахассислар малакасини ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Ҳозир республикамизда Батькившина, Славутич ва бошқа қатор Украина маданият марказлари фаолият кўрсатиб турибди. 1997 йилда мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида ўтказилган Украина маданияти кунлари икки халқнинг дўстлик риштал арини янада мустаҳкамланишида эътиборли тадбирлардан бўлди. Киевдаги Украина — Ўзбекистон дўстлик жамиятининг фаолиятини республикада юртимиз вакиллари иштирокида мунтазам ўтказиб келинаётган қатор фестиваллар ва танловларда ҳам кўриш мумкин.

## МАҚСАД ВА МАСЛАКЛАРДА ЯКДИЛЛИК

Ташриф чоғида иккала мамлакат президентлари ўзаро манфаатдорлик, ишонч, ҳурмат ва тенглик асосида ривожланиб бораётган алоқаларимизга оид жуда кўплаб масалалар юзасидан мулоқотлар олиб боришди. Уларда БМТ, ЕХҲТ каби халқаро ташкилотлар, МДҲ доирасидаги ҳамкорлик, Афғонистондаги тикланиш ишларида баҳамжиҳат қатнашиш ва муҳокама этилган бошқа қатор масалалар ҳамда юмушлар борасида томонларнинг қарашлари яқинлиги яққол кўриниб турди.

Айни пайтда президентлар ўзаро савдо иқтисодий алоқалар ривожида сўнгги пайтларда бироз сусайиш бўлганини ҳам қайд қилдилар. Ҳамкорлик кўламларини оширишга тўсқинлик қилаётган сабабларни ҳамжиҳатликда бартараф этиш зарурлигини эътироф этишди. Жумладан, улар кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина ҳукуматлараро қўшма комиссияси ишини яхшилаш ҳақида фикрлашиб, 2001 йилда ўзаро савдо ҳажми 400 миллион АҚШ долларини ташкил этгани-ю жорий йилда бу кўрсаткич қарийб 90 миллион долларга камайиб кетгани сабабларини қидирдилар. Ҳолбуки, мамлакатимизда Украина билан ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган 50 га яқин қўшма корхона бор. Демак, кўриниб турибдики, миқдорлар имкониятлар даражасида бўлмаган. Шу боиски, Юртбошимиз суҳбат чоғида қўшма комиссия иши аслида ана шу камчиликларни тугатишга қаратилиши зарурлигини таъкидлаб, комиссия таркибини янгилашни, остонада турган янги — 2003 йилнинг январь ойидаёқ унинг навбатдаги мажлисини Киевда ўтказишни таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари ҳамкор мамлакат доираларини мамлакатимизда кун сайин авж олаётган хусусийлаштириш жараёнларида фаолроқ иштирок этишга чорлади ва уларни «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компанияси билан «Ўзавтойўл» концерни тендерларида қатнашишга даъват этди.

Юртбошимиз маслакдошини Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда иштирок этиб, йўлсозлик ва кўприксозлик сингари соҳаларда ҳам елкама-елка бўлсак, иккала томон учун фойдадан ҳоли бўлмаслигини аниқ мисолларда кўрсатиб ўтди. Кўтарилган масалалар юзасидан фикрлар бир жойдан чиққанлигини иккала давлат раҳбарлари ҳам ўша куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида қониқиш билан билдиришди.

Ислом Каримов мамлакатимиз учун транспорт коммуникацияси масаласи долзарблигини ҳамиша такрор ва такрор айтиб келадилар. Шу маънода, Президент Ўзбекистон Украинанинг денгиз йўли ва унинг мавжуд бандаргоҳлари (хусусан, Қрим)дан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга яна бир бор алоҳида эътибор қаратди. Билдирилган фикр, мулоҳаза, таклиф ва ташаббуслар Украина раҳбари ва у бошлиқ делегация аъзолари томонидан якдил қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифи билан мамлакатимизга ташриф буюрган Украина Президенти Леонид Кучманинг амалий ташрифи икки давлат ҳамкорлиги тарихида янги саҳифалар очди.

■ Номоз САЪДУЛЛАЕВ

## БОЗОР... БОЗОРГА ЎХШАЯПТИ

Ҳазораспдаги «Кийим-кечак бозори» таърифи юрт ошган. Бу ерда ҳафтада тўрт кун бозор бўлиб, нафақат қўшни вилоятлар, балки қўшни давлатлардан ҳам харидору сотувчилар келади. Аммо рости бозорда тартиб йўқ эди — икки мингдан ортиқ омонат савдо ўринларида ёймачилар тартибсиз савдо қилишарди.

Вазирлар Маҳкамасининг бозорларни тартибга солиш тўғрисидаги қароридан сўнг бозор таниб бўлмас даражада ўзгарди. Қисқа фурсатда қулай ва замонавий русумдаги 320 дўкон қурилиб ишга туширилди. Саксон дўкончa топширилиш арафасида.

«Ҳазорасп кийим-кечак бозори» ҳиссадорлик жамияти раиси Маҳкамбой Назаровнинг сўзига қараганда, янги йилгача дўконлар сони саккиз юздан ошади.

■ Рўзимбой ҲАСАН

### ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

## БИДЪАТ НИМА,

### ЁКИ НОЎРИН ТАДБИРЛАР, АСОССИЗ МАЪРАКАЛАР ҚУЛИГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Отажон, сиз менга хазинангизни вафотингиздан сўнг халққа улашишни васият қилган эдингиз. Рости, мен бу амрни бажармоққа мажбур бўлганим туфайли сизга эътироз билдирмоққа журъат этмадим. Бироқ, ҳар тун шаҳарга чиққанимда фонус-чироқни олдинда эмас, орқа томонда олиб юрмоқни амр этдим. Сабабки, вафотидан сўнг эҳсон улашмоқ — қора тунда чироқни орқа томонда ёритиб бормоқ каби эмасми? Орқа томондаги фонус ёруғидан йўловчига на фойда. Олдинда ёқиб бормоқ афзал эмасмикин?

Ота ўғлининг бу доно тадбиридан қувониб, бойликни ўзи камбағалларга улашиб берган экан.

Ҳар сафар «йигирма» ёки «йил оши» деб аталмиш маъракага таклиф этилганимда шу ривоятни эслайман.

Биров ўн кило, бошқаси юз (ёки ундан кўп) гуруч дамлаб, муҳим бир бурчини адо этгандай кўнгли таскин топади. Афсусли ери шуки, одамлар дин томонидан белгиланган, бажарилмоғи сўзсиз шарт бўлган вазифани қойилмақом қилиб уддаладик, деб ўйлайдилар. Бу одатларнинг динга мутлақо алоқасиз эканини эса кўпчилик билмаслиги мумкин.

Бидъат ва хурофот фикрларини муҳокама тарзида кўпнинг эътиборига ҳавола этиш нияти анчадан бери мавжуд эди. Муҳтарам Президентимиз томонидан тўй-маъракалардаги дабдабалар хусусида қабул қилинган қарорни хушнудлик билан қабул қилдик. Маънавиятимизга хос бу камчиликнинг авж олаётганига ўзимизни ҳам айблилардан деб билиб, хижолат бўлдик. Қарордан сўнг жиддий ўзгаришлар кутилган эди. Кўп гаплар айтилди. Ташкилий соҳада ишлар ҳам қилингандай бўлди. Аммо ойлар, йиллар ўтиб, қарорни гўё унутгандай бўлдигу яна ўз билганимиздан қайтмай қолдик. Шу сабабли ҳам мазкур сатрлар билан мулоҳазаларимизни мунозара тарзида ифода этишга жазм қилдик.

Аввало «бидъат», «хурофот» сўзларининг луғавий маъноси хусусида: «Бидъат» — «ёқимсиз» деган маънони англатади. Яна «бидъати саййиа» дерларким, бу «ёмон одат» демакдир. Таъбир жоиз бўлса — динга ёт, ёқимсиз бўлган одатларни «бидъат» деб белгилаймиз. «Хурофот» — «асоссиз» демак. Яъни, динда асоси йўқ, беҳуда ишлар, одатлардир.

Ҳозирги кунда сиз билан биз эътиқод қилаётган кўпгина одатларни дин ҳам, жамият ҳам рад этади. Диний томондан буюрилган фарз — суннат амаллари билан бидъат ва хурофотни айириб олиш аслида унча мушкул вазифа эмас. Масалан, фарз ёки суннат амаллар бизда ҳам, араб мамлакатлари ёки Малайзияда ҳам айнан бир хилдир. Яъни, намоз ҳамма ерда беш маҳал ўқилади, бомдод азони Бухорода субҳи содиқда, Қоҳирада эса кун ёйилганда чақирилмайди. Қуёшнинг ҳаракатига қараб ибодат вақтлари бир пайтга белгиланади. Ёки ҳамма ерда инсоннинг инсонга зулми ҳаром, ҳамма ерда муслим ва муслималарнинг илм олмоқлари бир хилда фарздир.

Тошкентда бир киши вафотидан сўнг ўн ёки ўн тўққиз кундан сўнг «йигирма оши» берилади. Водийда бу одат сал кечроқ бўлиб, «қирқ оши» деб номланади. Бошқа мамлакатларда эса бундай ошхўрлик умуман йўқ. Тошкентда икки ҳайит байрамида марҳумнинг яқинлари уч кундан бел боғлаб туришади. Водийда эса уч ҳайит, аммо эркаклар арафа куни фотиҳада юрадилар. Тошкентда тобут чиқарилган хонадонда уч кунгача ўчоққа ўт қаланмайди. Сирдарёда эса то жанозага қадар жонлик сўйилиб таом тортилади... Кўриниб турибдики, булар маҳаллий шароитга мосланган одатлардир. Уларнинг айримлари, масалан арафа куни қабр тепасига, ошхонага шамчироқ ёқиб қўйиш каби одатлар исломдан аввал ҳам мавжуд бўлган.

Ҳар қандай одатнинг ё очиқ, ёки рамзий маънолари бўлади. Қадим замонларда айрим мамлакатларда эр вафот этса хотини ҳам тириклайин қўшиб кўмилган экан. Буни худонинг хоҳиши деб белгилашган. Бу «маросим» билан фақат хотинининг марҳум эрга садоқати, фидойилиги намоён этилмаган, балки ўлган киши у дунёда қайта тирилиб, маишатларни давом эттиришига ишонишган. Шунинг учун қабрига таомлар, ашёлар ҳам қўйганлар. Жоҳилият давридаги араблар эри вафот этган тул хотинга хароб кийимларни кийдириб, хароб ҳужрада бир йил яшашга мажбур қилган эканлар. Бу билан у гўё эрининг вафотидан ғоят қайғуда экани, дунё чиройидан завқланиши, ўзига ҳаром эканини намойиш қилган. Бир йил шу зайлда аза тутгач, унинг ҳузурига бирон совлиқ ёки қуш олиб кириб беришаркан. Бева бирон нима билан жонлиқни тата-лаб-таталаб терисини шилиб ўлдиргач, хонадан ташқарига чиқарган. Шунда унинг қўлига тезак тутқазишар экан. Бева «бир йил давомида кўрган куним шу тезакдан баттар эди», деган маънода уни отиб юборар экан. Шу тарзда аза барҳам топаркан.

Ислом дини нозир бўлгач, бу каби маъносиз одатларга барҳам берилди. Ҳатто аза муддати қисқартирилиб, тўрт ойу ўн кун деб белгиланди. Уламоларимизнинг фикрига кўра, бу муддат фақат қайғу рамзи эмас, балки беванинг ҳомиладорлигини аниқлаш учун ҳам лозим бўлган. Шунингдек, аёлнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳам назарда тутилган. Сир эмаски, бир киши вафот этса, уй-жой, мерос талашишлар бошланади. Баъзан қариндошлар «меросда хотинининг ҳаққи йўқ», деб ўзларига мос равишда фатво чиқариб, бевани уйдан ҳайдашдан ҳам тойишмайди. Белгиланган идда — 130 кун бевани шундай ҳужумдан ҳам сақлайди. Аммо бу муддатни уй қамоғи шаклида ўтказмоқ дуруст эмас. Агар бева истаса идда муддатини бошқа уйда ҳам ўтказиши мумкин.

Фарғона водийсининг айрим тоғли қишлоқларида эри ўлган хотин 40 кун яланг оёқ юришга мажбур экан. «Нега шундай ?», деб қизиқсак «худо шундай буюрган», деб ишонч билан айтишади. Воажаб, худо фақат шу қишлоқларнинг хотинларига яланг оёқликни буюрибди-да, а? Шубҳа йўқки, бундай одатлар исломдан авалги даврлардан ўтиб келган.

Водийнинг айрим қишлоқларида яна бир одат сақланиб қолган: жанозадан сўнг (кўпинча имом раҳбарлигида) марҳумнинг яқинлари бир уйга тўпланишадида, унинг гуноҳлари ҳисоб-китоб қилинади. Демак, марҳум етмиш (ёки ундан кўп) умр кўрган. Шундан, айтайлик, ўттиз йилни бенамоз, берўза ўтказган. Демак, бенамоз ўтган ҳар куни учун фидя бериши шарт. Яъни, кунда бир фақирнинг қорнини тўйғазиши керак. Бир фақирнинг қорнини тўйғазиш (ўртача) 500 сўмни ташкил этади, дейлик. Шундай қилиб, беш юзни уч юз олтмиш олтига, ҳосил бўлган рақам эса 30 га кўпайтирилади. Шундай қилиб, марҳумнинг салкам беш ярим миллион сўмлик гуноҳи борлиги аниқланади. Унга рўза фидяси қўшилади. Бу ҳам салкам ярим миллион сўмни ташкил этади. Демак, хонадон эгаси шу пулга арзийдиган бирон нимани, автомашинанимми, бир-икки буқаними ҳовлига олиб кириб боғлайди-да, арқоннинг бир учи даврa қурилган уйга олиб кириладиди. Шунга марҳумнинг яқинлари (кўпинча имом бошчилигида) арқонни ушлаб, «мен марҳумнинг мана бунча сўмлик гуноҳини сотиб олдим», деб тантилик қилиб қўяди. Гўё бу билан марҳумнинг миқдордаги гуноҳи шу одамга ўтади.

Гуноҳлар шу тарзда бўлиб олингач, марҳум у дунёга гўё фариштадек жўнайди. Бунга ўхшаган одатлар қозоқ овулларида ҳам учрайди. Фақат у жойларда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишади. Уламоларнинг айтишларича, Тошкентда, бошқа вилоятларда ҳам бир пайтлар бу бидъат ҳукмронлик қилган экан. Муфтий Зиёвиддин Бобохон ҳазратларининг фатволари билан кўп жойларда бу бидъат барҳам топган. Ажабки, Қўқон атрофидаги айрим қишлоқларда ҳали ҳам марҳумларнинг гуноҳларини сотиб олиш одати бор экан. Қишлоқ имомларининг бу бидъатга бош бўлганлари ачинарли ҳол, фидянинг хасталиги ёки бошқа узрли сабаб билан рўза тутолмаганлар учунгина берилган имтиёз экани, бенамозларга бундай имтиёз йўқлигини билмасликлари ёки билиб туриб шундай бемаъни одатга бош бўлишлар янада афсуслидир.

Қадимги Хитойда ота ёки она вафот қилса, уч йил мотам тутилар экан. Бу пайтда ҳатто мактабга бормоқ, илм олмоқ ҳам, мазали таомлар истеъмол қилмоқ ҳам ман этилган экан. Ривоят қилишларича, улуғ файласуф Конфуцийнинг шогирдларидан бири Цзай Во бу одатга қарши чиқиб, мотам учун бир йил кифоя, деган фикрни билдирганида устоз «Ноинсоф ўғил! Ахир уни ота-онаси уч ёшигача қўлдан қўймай катта қилишган-ку? Уч йил мотам тутмоқликни Осмон буюрган» деб норозилигини баён қилган экан.

Кўриниб турибдики, улар мотам кунини белгилашда ота-онанинг гўдакка қилган хизматларини назарда тутганлар. Ислом дини эса бу одатни рад этади, аза уч кун деб белгиланади. Лекин бу уч кундан кейин вафот этганларни унутиш мумкин, деган гап эмас, албатта. Инсон тирик экан, ўтганларни эслайди, дуо қилади. Инсон ҳар куни Яратганга муножот қилиб, марҳумларни мағфират этишини сўрайди. Зеро, «дуо»нинг луғавий маъноси — «илтижо»дир. Бизни ташлаб, Аллоҳнинг раҳматига йўлаганлар биз дамлаган ошга эмас, дуоларимизга муҳтождирлар. Оилада бир киши вафот этгани билан бу хонадонда ҳаёт тўхтаб қолмайди. Бир-бир ярим йил қайғу белгиси сифатида кўк кийиб, кўз ёши тўкишимиз билан марҳумнинг руҳи ором топмайди. Марҳумнинг руҳи бизни яхши ишларимизнинг савоблари, холис ва поклигимизга қилган дуоларимиздан баҳраманд бўладилар.

Тошкентда уч кун таом пиширилмаслигидан «шундай қайғудамизки, томоғимиздан овқат ҳам ўтмайди», деган рамзий маънони ўқиш мумкин. Лекин нима учундир жанозадан фотиҳа ўқигани қайтганларга атаб ноз-неъматли дастурхонни безаб қўйишади. Бу дастурхон уч кун давомида ёзиғлик туради. (Ҳайит байрами кунлари ҳам шундай.) Қариндош-уруғлар таом пишириб келишлари одат тусига кирган. Лекин бошқа ердан овқат келишини кутиб туриш ҳам дуруст эмас. Динда «аза уч кун», деб белгиланган, аммо «уч кун овқат пиширмай, емай, оч ўтирилсин», дейилмаган.

Сирдарё томонларда жонлик сўйилиб, дошқозонда таом пишириш, жанозага келганларга пул тарқатиш бидъати бугунги кунгача давом этяпти. Бунга нима дейиш мумкин?

Келинг, бироз мозийга қайтайлик. Узоқ замонларда одамлар зич яшашмаган. Бир қишлоқдан иккинчисига етиб келгунча от-аравада узоқ йўл босишган. То жанозага етиб келгунларича очиқишган, чанқашган, ҳоришган. Уларга дам бериш, тўйдириш учун овқат пишириб қўйишган, қайтиб кетишларига зарурдир, деб озгина пул ҳам беришган.

Ҳозир қишлоқлар ораси унча узоқ эмас, автомашина деган беминнат дастёримиз ҳам бор. Жанозага келганларнинг шу ернинг ўзида овқатланишга, айниқса бериладиган беш-ўн сўм пулга муҳтожликлари йўқ. Шунга қарамай, бидъатдан қутулишнинг ҳаракати кўринмай турибди. Пулдор одамлар жаноза баҳонасидан бойликларини кўз-кўз қилиб олишга уринадилар. Жанозани тўйдан афзалроқ тарзда ўтказадилар. Қўл учида кун кўрувчилар эса «мен ҳам шундай қилишга мажбурман», деган фикрда қарз олишга мажбур бўладилар. Яқин одамидан ажралган хонадон учун бу азоб устига азоб эмасми? Дин эса одамларнинг беҳуда азобда қолишини мутлақо инкор этади. Ҳар ҳолда марҳум ота (ёки она) руҳи «ўғлим менинг обрўйимни ўйлаб, қарз олиб бўлса ҳам мол сўйди», деб шод бўлмаса керак.

Жанозадан кейинги барча бидъат одатларни таҳлил этсак, марҳумга, унинг руҳига фойдасиз эканини кўрамиз. Аксинча, бу одатлар одамларнинг ўз руҳларини тинчитиш учун, кўнгилни хотиржам қилиш учун хизмат этади.

Аёлларнинг «кир ювди»сида энг яқин қариндошлар йиғилишса хонадон эгасига далда бўлади, қайғуси сал енгиллашади. Етти маҳалла ёки икки қишлоқ хотинларининг тугун кўтариб келишлари, уларга уч-тўрт хил таом тортилиши шартми. Катта-катта зиёфат бериш — бидъат эмасми. Айниқса, хотинларнинг тугуни бугунги кунда ортиқча машмаша эканини тушунтириш қийин бўляпти.


«БУХОРО ТУРИСТ»
ҳиссадорлик жамияти жамоаси
барча Ватандошларимизни
кириб келаётган
Янги — 2003 йил
билан табриклайди.
Азиз юртдошлар! Обод маҳалла йилида кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид туйғулари тарк этмасин. Қилаётган меҳнатимиз юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб кираверсин. Юртда тинчлик, хонадонларда тотувлик, кўнгилларда осойишталик доимо ҳукм сурсин. Ватанимизни, халқимизни ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин.
БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР!

### ИҚТИСОДИЁТ ВА ИСЛОҲОТ

**Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини изчил таъминлашга ҳаракат қилаётган акциядорлик тижорат «Пахтабанк» бўлимларида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Айниқса, «Пахтабанк» Хоразм вилоят бошқармасида бу борада муайян ютуқларга эришилди. Бу ҳақда бошқарма бошлиғи Ғуломжон ҲАКИМОВ ҳикоя қилади:**

## МИЖОЗ

— АТ «Пахтабанк» Хоразм вилояти бошқармаси бўлимларида касса режаси ва нақд пул эмиссияси даражаси кўрсаткичларини бажариш, вилоятда нақд пул муомаласини барқарорлаштириш, банк кассаларига нақд пул тушумини кўпайтириш ҳисобига иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни вақтида амалга ошириш борасида ибратли ишлар олиб борилмоқда. Харидорбоп маҳсулотларни сотишдан тушган нақд пуллар бўйича мониторинг жорий этилиб, бу тўғридаги маълумотлар жойлардаги Пул-кредит сиёсати комиссияларига вақтида етказилди. Масалан, тўққиз ойлик касса режаси 17780,6 млн. сўм қилиб белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 23670,4 млн. сўмга, яъни режа 133,1 фоизга бажарилди. 9 ой якунлари бўйича эмиссия даражаси жами «Пахтабанк» бўйича 38,7 фоиз бўлиши лозим эди. Ҳақиқатда ушбу кўрсаткич 28,5 фоиз, яъни 10,2 бандга кам бўлишига эришилди. Аҳолини кундалик эҳтиёж маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаб туриш мақсадида савдо ташкилотларига уларнинг талаби доирасида банк кредитлари бериб борилмоқда. 2002 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига берилган кредитлар ҳажми 715 млн. сўмни ташкил этди. Ушбу хўжалик субъектлари томонидан ўзлаштирилган кредитлар ва касса тушумини вақтида банк муассасаларига топ-

# ХУРОФОТ НИМА?

## АЙЛАНИБ, ЎЗИМИЗ ВА БОШҚАЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАНИМИЗ ҲАҚИДА

Меҳмонга ҳадя билан бориш яхши одат, бироқ, мажбурий эмас. Тугунни бировлар ҳадянинг бир тури, деб баҳолашлари мумкин. Бизнингча эса ундай эмас. «Ол товоғим, бер товоғим, ўртада синди товоғим», деганларидай, бундай ҳадянинг изидан чиқадиган нохуш гап-сўзлар ҳам бор. Ҳадя қилувчи меҳрибонлиги эвазига бундан аълороқ нарса олиш нияти билан бормайди. Тугуннинг тарихи ҳадя билан эмас, оғир қаҳатчилик кунлари тарихи билан боғлиқ бўлса керак. Маъракага отланган аёл уй эгасининг дастурхонига қўйишга нони борми, йўқми, деган истиҳолада кўтариб борган бўлиши мумкин. Кейин бошқалар ундан ибрат олишиб, дориломон кунларда ҳам давом эттираверганлар.

«Йигирма», «йил» ошларида Қуръон тиловат қилинади. Ўқиш — суннат, сомеъ ҳолда тинглашнинг фарз эканини кўпчилик билади. «Сомеъ» дегани хаёлни фақат Аллоҳнинг каломига бериб, жимгина ўтиришдир. Қуръон қироат қилинаётган дамда ҳатто нафл намози ўқимоқ ҳам мумкин эмас, дейилади. Биз эсак Қуръон ўқилаётганида ош ошалаймиз, хўриллатиб чойни ҳам ичамиз, туриб юраверамиз ҳам. Энди қарайлик: маъракага бориб, Қуръон ўқисак ёки эшитсак, савоб ҳосил бўлади ва биз бу савобдан марҳумнинг руҳини баҳраманд этишини сўраб, дуо қиламиз. Тиловатни сомеъ ҳолатида эшитмаслик гуноҳ бўлса, марҳумнинг руҳи нимадан баҳра олади?

Айрим уламо, имом-домлаларимиз бунинг ҳам фатвосини топдилар. Ҳамонки «йигирма», «йил оши» бидъат, хурофот экан, бу маъракани йигирма беш ёки эллик кундами «эҳсон», бошқача айтганда «амри маъруф ва наҳйи мункар» тарзида ўтказиш йўлга қўйилди ҳисоб. Пули борларга унисининг ҳам бунисининг ҳам фарқи йўқ — сочаверадилар. Тўғрироғи, «амри маъруф» тарзидаги маърака уларга маъқулроқ. Чунки бундай йиғинда маърузачи микрофон орқали маърака эгасини келиштириб мақтайди, унинг ҳақига ажойиб дуолар қилади. Аммо маъраканинг бу тури бошқаларни қийнаб қўйди: энди улар маъруза қилувчи домлага, микрофончига ҳам пул беришлари шарт. Домла-имомларимиз янги одатга «эҳсон» деб чиройли ном қўйиб бердилар.

Ўзлари эса ашулачиларга ўхшаб дафтарча тутиб олганлар. Машҳурроқ домлаларимиз бадавлатларникидан қолмайдилар, мундайроқларникига эса шогирдларини юборадилар. Ачинарлиси шуки, бундай маросимларни рағбатлантиришга уринадилар. Шайхонтоҳур туманидаги масжидлардан бирининг имоми «Ақиқа» деб аталувчи маросимда «Пайғамбаримиз қарз олиб бўлса ҳам ақиқа қилишни буюрганлар» деганини эшитиб, «бу киши адашиб айтиб юбордилар», деб ўйлагандик. Кейин яна бир неча марта бу асоссиз гапни эшитиб, афсуландик. Исломда қарз олиб эҳсон ёки худойи қилиш мумкинмаслигини бу тақсирим ё билмайдилар, ё билиб турсалар-да, ўз манфаати юзасидан фатво тўқийдилар, мўминларни чалғитадилар.

Ислом кўрсатмаси бўйича, одам энг аввало, ўз оиласини таъминлаши керак. Эҳсони ҳам, ҳадяси ҳам биринчи галда ўз фарзандлари ёки ота-оналарига бўлиши шарт. Ота-онасини яхши парвариш қилиб, фарзандларини яхши едириб, яхши кийдириб, яхши ўқитиб... ундан орттирса бошқаларни сийлаши мумкин. Фарзандлари ризқини қийиб, ўзгаларни тўйдиришни дин буюрмайди. Эҳсон ёки худойи дегани албатта, қўй сўйиб, зиёфат қилиш, имомни чорлаш эмас. Агар қўй сўйишга, дастурхон тузиб меҳмон чорлашга имконингиз етса, ихтиёр ўзингизда. Бироқ, чорлашнинг ҳам чегараси бор.

Дўстингиз ёки қариндошингиз сиздан қарз дейлик. Қарз тўлашга қурби етмай, руҳан қийналиб юрибди. Шу қарздан Аллоҳ розилиги учун кечсангиз, энг улуғ савобга етган бўласиз. Агар биров сизни ножўя хафа қилган бўлса-ю, сиз унинг бу гуноҳидан ўтсангиз, кечирсангиз бу ҳам ўзига хос бир худойи, дейиш мумкин.

Айтадиларки, бир йигит Худо йўлига атаб қўй сўймоқчи экан. Овоз келибдики «Сен укангни ноҳақ ранжитгансан, аввал ундан узр сўра, яраш, кўнглини ол, унгача эҳсонинг қабул бўлмас».

Эҳсон-худойи агар билиб амалга оширилса, исломнинг энг яхши одатларидан бири. Қўшниси, қариндоши ёки биродари муҳтож бўлгани ҳолда кишининг сочиб, тўкиб, исроф қилиш даражасида ҳаёт кечириши дуруст эмас. Шу боис ҳам закот фарз қилинган.

Динда эҳсон-худойиларнинг аниқ муддатлари белгиланмаган. Бу маъракаларни ўтказиш учун бировнинг ўлими ёки бошга ташвиш тушишини кутиш шартмас. Кимнинг қачон имкони бўлса, исроф қилмаган, барча одамларни тенг кўрган ҳолда ўтказавериши мумкин.

Бадавлат одам дабдабали тўй қиладими, маъраками, бели букилмайди.

Бироқ, балоғатга етмаган, норасида етим болалар қолган хонадон ёки бошқа бир ночор оила маҳалла-кўйни тўплаб ош беришдан кимга фойда, кимга зарар? Азадор камбағал оила ташвиш тортиб, қарзга ботиб ош берса, марҳумнинг руҳи шод бўлади, деб ўйлайсизми? Шу ўринда энг аввало, маҳалла оқсоқоллари, домлаларимиз бу бидъатларга, ноўрин харажатларга, одамларни қийнаётган масалаларга бефарқ қарамасликлари лозим, деб ўйлаймиз.

Бир дўстимнинг укаси қазо қилиб, вояга етмаган беш боласи етим қолди. Жаноза олдидан муҳтарам домла — имомга вазиятни тушунтирган эдим, у киши бу хонадонда маърака қилмаслик ҳақида яхши гапирдилар. Етим ҳақи нима эканини тушунтирдилар. «Йигирмасини мен қиламан», деган мард топилганда ҳам бу маърака қилмай, унга кетадиган харажат пулини шу оилага топшириш савоброқ эканини таъкидладилар. Дафн маросимидан сўнг хонадонга келиб фотиҳа ўқигач, бу масалага қайтиб янада ойдинроқ тушунтирдилар.

Эртасига келсам, дўстим тоғалари, амакилари ва маҳалла раиси билан бирга «йигирма» ошини қаерда, қачон, қандай ўтказишни маслаҳатлашиб ўтирибди.

— Кеча домланинг гапларини эшитмадингларми? — деб ажабландим.

— Домла гапираверади, нима, биз кетмон даста кўмибмизми, — деди амакиларидан бири.

— Етим ҳақи-чи?

— Маъракани ана акаси ўтказиб беради.

Акаси — менинг дўстим. Бир неча ой аввал тўнғич ўғлидан айрилган, бошқа болалари ҳали ёш, ўзи маошга қараб кун кўради. «Йигирма» оши қилса, қулоғигача қарзга ботиши аниқ.

— Бунинг ҳам вояга етмаган болалари бор, қийналиб қолади, — деб эътироз билдирдим.

— Ке, қўй, тортишма, — деди дўстим хижолат чекиб,— шу «йигирма»ни қилмасам маломатга қоламан. Маҳалла нима дейди... Бир амаллаб ўтказамиз.

— «Маҳалла нима дейди?..» деб яшаган дурустми ё «Худо нима деркин?..» деган аълороқми?

— Гапинг-ку тўғри, дўстим, лекин илож қанча...

Хуллас, якшанбада «йигирма» ўтказиладиган бўлди.

Дўстимнинг «илож қанча...» деган сўзлари ҳамон қулоғим остидан кетмайди. Худди боғлаб қўйилган тобе, маҳкум одамдек гапирди у. Аччиқ бўлса-да, тан олишимиз керак.

Яхши амалларимиз билан савоб топиш ўрнига бидъат ва хурофот қуллигидан чиқиб кетишимиз оғир кечмоқда. Бу билан ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам қийнаяпмиз. Айтганларимизга қараб, бидъат ва хурофотдан қутулиш мумкин эмас эканда, деб бадбин хулосага келмаслик керак. Бугун жамиятимизда бидъат ва хурофот одатларимиздан воз кечаётган, бошқаларга тушунтираётган, бу тушунтиришни амалда исбот қилаётган биродарларимиз кўп. Бу масалани яхши ечиб берувчи уламоларимиз, домла-имомларимизнинг сўзларини яхши фаҳм этсак кифоя.

Баён қилганларимиз азага тааллуқли кераксиз, ёқимсиз ва асоссиз одатлар хусусида бўлди. Турли зиёратлар, ақиқа маросимлари, тўй-ҳашамлардаги нолойиқ одатлар, иллатлар ҳам кўпки, бу ҳақда кейинроқ фикрлашиш ниятидамиз.

■ **Тоҳир МАЛИК,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси**

## ЯНГИ ЦЕХ

Навоий дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти жамоаси омухта ем-кепак сифатини янада яхшилаш мақсадида замонавий озуқабоп маҳсулотлар турини кўпайтиришмоқда. Яқинда дон комбинати ҳовлисида тўйинтирилган омухта ем ишлаб чиқарадиган янги цех барпо этилди. Бу цехда ҳар сменада ўртача 20 тонна ширали, витаминли беда уни ва буғдой, арпа аралашмасидан иборат буғланган сифатли озуқа тури ишлаб чиқариляпти.

— Бу цехнинг ишга туширилиши комбинатда тайёрланаётган омухта ем сифатини оширибгина қолмай чорва моллари ҳамда паррандалар учун ҳам алоҳида озуқа тури етиштириб беради, — дейди жамият раиси Иноят Тилавов. — Келгусида цех қуввати янада ортиб, кунига 50 тонна омухта ем ишлаб чиқара олади.

■ **Музаффар ШАРОПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 24 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:****

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 533,87 | 1 Польша злотийси | 244,67 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1520,77 | 1 СДР | 1277,00 |
| 1 Дания кронаси | 131,23 | 1000 Туркия лираси | 0,58 |
| 1 БАА дирҳами | 258,36 | 1 Швейцария франки | 666,86 |
| 1 АҚШ доллари | 948,94 | 1 ЕВРО | 974,09 |
| 1 Миср фунти | 205,40 | 10 Жанубий Корея вони | 7,89 |
| 1 Исландия кронаси | 11,47 | 10 Япония иенаси | 78,88 |
| 1 Канада доллари | 612,50 | 1 Россия рубли | 29,80 |
| 1 Хитой юани | 114,64 | 1 Украина гривнаси | 177,99 |
| 1 Малайзия ринггити | 249,75 | | |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***




# РИЗОСИ — ИШИМИЗ БАҲОСИ

шириш устидан кунлик мониторинг жорий қилинган ва ушбу корхоналарнинг молиявий аҳволи доимий равишда ўрганиб борилмоқда.

**— Ўзаро ҳисоб-китоблар механизмини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида...**

— Халқ хўжалигида дебитор ва кредитор қарзларни камайтириш бўйича бирмунча ишлар амалга оширилди. 2002 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, дебитор қарзларнинг миқдори «Пахтабанк» тизимида хизмат кўрсатаётган корхоналар бўйича 6678,7 млн. сўмни, кредитор қарзлар эса 15773,2 млн. сўмни ташкил қилди. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш мақсадида жами 152,5 млн. сўмлик дебитор ва кредитор қарзларини сўндириш учун «занжир»лар тузилиб, ушбу «занжир»ларнинг амалга оширилиши натижасида 565,6 млн. сўмлик иқтисодий самарага эришилди ва дебиторлик-кредиторлик қарзлари камайтирилди.

Бундан ташқари банкнинг вилоят бошқармаси бўлимлари томонидан 410,6 млн. сўмлик факторинг хизматлари кўрсатилди ва бундан 821,2 млн. сўмлик иқтисодий самара олинди.

Иш ҳақидан қарздорлик бўйича мониторинг жорий этилиб, қарздор хўжалик субъектларининг ҳисоб рақами орқали бўлаётган ҳисоб-китоблар ҳамда махсус траншлар орқали ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши назорат остига олинган.

Ҳисоб рақамида маблағ бўлмай, вақтинчалик молиявий қийинчиликка учраган хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш орқали иш ҳақидан қарздорликни камайтириш чоралари кўрилди. Ўтган давр мобайнида пахта тозалаш заводларига, қурилиш, транспорт корхоналарига жами 142 млн. сўмлик кредит ажратилди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатлари ва муддатли депозитларга жалб қилиш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Аҳоли жамғармалари ҳисоб рақамларига 1702885,5 минг сўмлик маблағлар жалб қилинди ва белгиланган режа ортиғи билан уддаланди, яъни 2002 йилнинг бошидаги омонатлар миқдоридан 1236820,5 минг сўм кўп бўлишига эришилди.

Банкнинг рентабеллик даражаси ўтган 9 ойи давомида 41,3 фоизни ташкил қилди. Умуман олганда, банк бошқармамиз бўйича активларимиз сифатини даромадлилик нуқтаи-назаридан таснифлаганимизда, жами активларимиз 8566212 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу активларимизнинг 4868805 минг сўми ёки 56,8 фоизи даромад келтирувчи активлардир. Бугунги кунда ҳам даромад келтирмайдиган активларимиз салмоғини камайтириш бўйича тинимсиз чора-тадбирлар кўрилмоқда.

**— Банк кредит портфели ва марказлашган кредит ресурслари миқдори қандай? Санацияга тортилган хўжаликлар билан муносабатлар-чи?**

— 1 октябрь ҳолатига банкнинг жами кредит қўйилмалари 3230768 минг сўмни ташкил қилиб, 1283411 минг сўм қисқа муддатли кредитлар, 1833363 минг сўм ўрта муддатли кредитлар ва 113994 минг сўм узоқ муддатли кредитлардир. Ушбу кўрсаткич банк бошқармасининг 2002 йил 1 январь ҳолатига нисбатан 358461 минг сўмга кўпдир. Бу ўринда банкнинг ўрта муддатли кредитлари алоҳида аҳамиятга эга, яъни умумий кредит қўйилмалари миқдорининг 56,7 фоизини ўрта муддатли кредитлар ташкил қилади.

АТ «Пахтабанк» бошқармасида ва туман бўлимларида санацияга тортилган хўжаликлар устидан доимий назоратни ташкил қилиш мақсадида алоҳида малакали ходимлар бириктирилган ва улар кунлик мониторинг олиб бормоқдалар. Санацияга тортилган хўжаликлар соғломлаштириш дастурини амалга оширишида албатта, банк кўмак бермоқда. Санациядаги хўжаликларнинг санация давригача пайдо бўлган 16677,0 минг сўмлик қарзларидан 166997,0 минг сўми, яъни 99,6 фоизи ундирилди. Ҳозирда санация давригача пайдо бўлган дебиторлик қарзлардан қолдиқ 680,0 минг сўмни ташкил қилади.

**— Кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар ҳақида ҳам гапириб берсангиз.**

— Бугунги кунда жами 3385 та тадбиркорга, кичик ва ўрта бизнес субъектларига банк хизмати кўрсатиб келинмоқда, шундан 370 таси якка тартибдаги тадбиркор, 2220 та деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда 795 таси бошқа кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.

«Пахтабанк»нинг шаҳар ва туман бўлимлари томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига 630630 минг сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилган, шундан 104795 минг сўми саноатни ривожлантириш учун, 221795 минг сўми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун, 203398 минг сўми айланма маблағларни кўпайтириш учун, 86392 минг сўми қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш учун ҳамда 14250 минг сўми бошқа тармоқларни кредитлаш мақсадларига йўналтирилган. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига вилоятда 495 та янги ишчи ўринлари яратилди.

2002 йил 9 ой мобайнида кичик ва ўрта бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 570250 минг сўмлик кредит ажратилган бўлиб, режа 106 фоизга бажарилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига тадбиркорлик фаолияти учун бандлик жамғармаси маблағлари ҳисобидан 21380 минг сўм ҳамда «Бизнес фонд» маблағлари ҳисобидан 31000 минг сўмлик имтиёзли кредитлар ажратишга эришилди. Бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар ҳисобига 75 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

«Пахтабанк»нинг шаҳар бўлимлари томонидан жорий йил мобайнида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 142 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига 334876 минг сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 майдаги «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 195-сонли қарори талаблари бажарилиши юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Олинган фойданинг 25 фоизи миқдорида ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик ва ўрта корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини, юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни имтиёзли кредитлаш мақсадида шу йилнинг 9 ойи мобайнида 173904 минг сўмлик махсус жамғарма шакллантирилган бўлиб, ушбу маблағдан тўлиқ фойдаланишга эришилди.

Хуллас, бутун фаолиятимиз мижозлар кўнглини, розилигини олишга қаратилган. Улар биздан қай даражада рози бўлса, ишимизнинг унуми ва баракаси ҳам шунга яраша бўлади. Шиоримиз: мижоз ризоси — ишимиз баҳоси!

**— Сир эмаски, бугунги кунда иқтисодиётимизга хорижий технологиялар кириб келмоқда. Ана шундай ютуқларни қўллаб-қувватлаш борасидаги янгиликлар хусусида нима дея оласиз?**

— Ҳозирги кунда хорижий инвестициялар иштирокида замонавий технологияларга асосланган, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш — барқарор иқтисодиётнинг асосий шартларидан бўлиб қолди. Тизимда мавжуд бўлган халқаро кредит линиялари маблағларини ўзлаштириш ва вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида «Пахтабанк»нинг Хоразм вилояти бошқармаси «Лойиҳаларни молиялаштириш» бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан: Қўшкўпир тумани ҳокимлиги ва М.Раҳимов номли ширкат хўжалиги ташаббуси билан туманда Италиянинг «Технофуд» фирмаси технологияси асосида кунига 2000 л. сутни қайта ишловчи ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Сардор» шўъба корхонаси лойиҳаси Германиянинг КФВ кредит линияси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди. Унинг умумий қиймати 317158 еврога тенг. Ҳозирги кунда кредитдан мақсадли фойдаланиш ва қайтарилиши юзасидан мониторинг ўрнатилган.

Хонқа туманидаги «Хонқа қоп» МЧЖ Хитойнинг «Юй ЛУН» компанияси билан ҳамкорликда кунига 1600 дона полипропилен қоп ишлаб чиқарувчи корхона ташкил этмоқчи бўлди. Унинг лойиҳаси 495 000 АҚШ доллари миқдорида баҳоланиб, у Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси маблағи ҳисобидан молиялаштирилди. Завод ишга туширилиб, кунига 1200-1400 дона қоп тайёрланмоқда. Дастлабки фоиз тўлови вақтида тўланди. Асосий қарз ва фоиз тўловларини қайтариш бўйича мониторинг ўрнатилиб, назоратга олинган.

Ҳозир бўлим томонидан вилоят ҳокими қарорига киритилган 2 та лойиҳа, яъни Янгибозор пахта тозалаш заводи қошида йилига 2000 тонна ипкалава ишлаб чиқарадиган ипйигирув фабрикасини ташкил этиш ва Боғот тумани «Хива» қўшма корхонаси негизида қуввати йилига 600 тонна тиббий момиқ ишлаб чиқарадиган ва қадоқлайдиган линия ўрнатиш лойиҳаларини молиялаштириш режалаштирилмоқда. Лойиҳа ташаббускорлари билан ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби, хорижий кредит линиялари орқали кредитлаш шартлари тўғрисида амалий ишлар олиб бориляпти.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари**

# МАТБУОТ БИЛАН ҲАМКОРЛИК

## ИШИМИЗГА ФАҚАТ ЁРДАМ БЕРАДИ

Йил охирида ҳар бир инсон, ҳар бир ташкилот амалга оширган ишларини сарҳисоб қилади. Мен тарихга айланаётган йилни прокуратура тизимига ошкоралик бериш йили деб ҳисоблаган бўлардим. Бу йил прокуратура ходимлари фуқаролар билан 44202 марта юзма-юз мулоқотда бўлдилар. Туман, шаҳар ва вилоят прокурорларининг жойларда меҳнат жамоалари, ўқувчи ва талабалар билан учрашувларини ўтказиш анъанага айланиб қолди.

Бундай тадбирлар зарур ва фойдали, албатта. Аммо прокурорлар матбуот билан кўпроқ ҳамкорлик қилишса, тарғибот ишлари ҳам, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам самарали бўлади.

Чунки юзма-юз мулоқотларда прокурорнинг бир ўзи аудиторияда 100-150 нафар фуқаро билан учрашиб, амалдаги қонунларни тарғиб қилиши мумкин. Ўша прокурор матбуотда чиқиш қилса, бу минглаб кишилар учун фойдали бўлади. Бугун прокурор нафақат қонунлар ижросини назорат қилиши, балки уларнинг тарғиботчиси ҳам бўлиши керак. Қонун инсон қалбига етиб борсагина, ислоҳотлар самара бериши мумкин. Президентимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида шундай ёзади: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарори халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши ва оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир».

Қонунлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратган Республика Бош прокуратураси ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда вилоят прокуратуралари муассислигида ҳуқуқий газеталар чоп этилмоқда. «Диёнат» (Наманган), «Адолат йўли» (Фарғона), «Адолат тарозиси» (Сурхондарё) газеталарини нафақат мамлакатимизда, балки қўшни давлатларда ҳам севиб ўқишаяпти.

Республика Бош прокуратураси матбуот марказининг мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суиистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятлари ҳақидаги ахборотлари марказий нашрларимизда чоп этилмоқда. Бугунга келиб Бош прокуратура муассислигида «Қонун ҳимоясида» журнали, «Ҳуқуқ» газетаси ва «Қонун ҳимоясида» телегуруҳи фаолият кўрсатаяпти. Мақсадимиз: халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, бор ҳақиқатни одамларга етказиш.

Бугунги матбуотимизга баҳо берган юртбошимиз Ислом Каримов: «...ютуқни ютуқ, камчиликни камчилик, жиноятни жиноят, хиёнатни хиёнат деб ҳамма нарсани ўз номи билан аташ — том маънодаги демократик жамият матбуотининг ҳақиқий қиёфасини белгилаб беради», деган эди.

Жамиятдаги муаммоларни ёритиш борасида журналистларимизнинг оғир ва шарафли меҳнатини эътироф этмай иложимиз йўқ. Давр журналистларимиздан янада жасоратлироқ бўлишни талаб қилаяпти. Тўғриси, ҳамма жойда ҳам журналистни қучоқ очиб кутиб олишмайди. Айниқса, танқидий мавзуда мақола ёзадиган журналистларга осон эмас. Республика Бош прокуратураси бўлим ва бошқармаларида марказий газеталаримиздаги танқидий чиқишлар ўрганилиб, таҳлил қилиб борилади. Бир неча мисол келтириб ўтмоқчиман. «Ҳуррият» газетасининг шу йил 16 сентябрь сонида «Кимга ош, кимга... мош» мақоласи чоп этилган эди. Унда Қумқўрғон туманидаги А. Набиев номли 55-ўрта мактаб директори Қ. Бозоров ўқувчиларни далага мош юлишга мажбурлаб олиб чиққани ёзилганди. Ушбу танқидий мақола Республика Бош прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилганда, ундаги далиллар тасдиқланди. Прокуратура ҳақиқатни ёзган ҳар қандай нашр билан ҳамкорлик қилишга тайёр. «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» каби газеталар билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган.

Хорижда журналистларни жамиятнинг доктори дейишади. Бунда чуқур маъно бор. Чунки жамиятнинг қайси жойида лоқайдлик, парокандалик бўлса журналист ўша жой ҳақида ёзиб, жамоатчиликни ҳушёрликка ундайди.

Бироқ баъзи нашрларимизда савияси паст, таҳлилсиз, нотўғри далилларни ўзида акс эттирган, муштарийни чалғитадиган мақолалар ҳам чоп этилмоқда. «Қадрият» газетасининг 21 сентябрь сонида «Савоб соясидаги гуноҳ ишлар» номли мақола чоп этилганди. Унда Сирдарё вилояти ногиронлар жамиятидаги қонунбузилишлар тилга олинади. Бироқ текширишда мазкур далиллар ўз тасдиғини топмади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги 154, 208 ва 209-қарорлари ҳамда Ўзбекистон Президентининг 24 июнь ва 19 июлдаги Фармойишлари ижросини таъминлаш юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ходимлари ОАВда 100 дан ортиқ чиқиш қилишди. Бу ишларимиз билан фахрланишимиз мумкин. Бироқ юртбошимиз таъкидлаганидек, юксак андозаларга асосланган қонунларимиз ҳам ҳаётимизда ўз кучини кўрсатмаса бу йўналишда қилаётган барча ишларимизнинг самараси бўлмайди.

Туманлар прокурорлари бу йил ОАВда 34147 марта чиқиш қилди. Бунинг ортида катта меҳнат ётганини унутмаслигимиз керак. Чунки, прокурорнинг чиқишидан сўнг юзлаб фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб прокуратурага келишади. Айниқса, деҳқон-фермер хўжаликлари муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Жойлардаги айрим раҳбарларнинг эскича ишлашлари туфайли фермерлар сунъий тўсиқларга дуч келишяпти. Ана шу муаммоларни ҳал қилиш учун туман прокуратураларида ҳар пайшанба фермерлар куни деб эълон қилинган.

Агар истиқлолгача республикада йилига 90 мингга яқин жиноятлар қайд қилинган бўлса, бугунга келиб уларнинг деярли 25 фоизга камайишига эришилди. Бунга ниманинг ҳисобидан эришилди? Биринчидан, халқимизнинг ҳуқуқий онги ошганлиги бўлса, иккинчидан матбуотда жазонинг муқаррарлиги юзасидан тарғибот ишларининг кучайгани бўлди. Мустақилликкача юртимизда биронта ҳам ҳуқуқий нашр фаолият кўрсатмаган. Эндиликда ҳар бир хонадонга ҳуқуқий нашрларимиз кириб бормоқда.

Ривожланган давлатларда мамлакатнинг қудрати халқнинг қонунларни қай даражада билиши билан баҳоланади. Мамлакатимизда инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан борилмоқда. Кўзланган мақсадга эришиш учун ҳар бир юртдошимиз нафақат қонунларимизни билиши, балки уларга амал ҳам қилиши керак.

■ Светлана ОРТИҚОВА,
Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи







«ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
ЖАМОАСИ
Ўзбекистон халқини
Янги йил муносабати билан
қизғин ва самимий қутлайди!
Янги йилга қадам қўяр эканмиз, ўтаётган 2002 йилимиз эсда қоларли воқеаларга бой бўлганлиги билан қадрли эканлигини таъкидлаш жоиз. Ватанимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз берди. Янги-янги корхоналар, уй-жой бинолари, маданий-маиший иншоотлар қад кўтарди. Юртимиз, айниқса, Тошкентимиз таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.
Бундай улкан бунёдкорлик ишларида компаниямиз жамоалари олдинги сафда турганлигидан беҳад фахрланамиз. Ниятимиз — ЯНГИ 2003 йилда ҳам сифатли, замон талабларига мос қурилиш материалларини кўплаб ишлаб чиқариб, юртимиз янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшиш.
Кутлуғ
айём
муборак
бўлсин, азиз
ватандошлар!

## ЎЗБЕК МУСИҚА АСБОБЛАРИ ЛОНДОН ГАЛЕРЕЯСИДА

Қўлида дутор тутган ўзбек аёлининг сурати Лондоннинг Хорнимен музейида очилган жаҳон мусиқа асбоблари кўргазмаси меҳмонларини қарши олади. Дунёнинг турли чекkaларидан келтирилган олти мингдан зиёд мусиқа асбоблари намойиш этилган мазкур кўргазма дарҳақиқат ноёб ва ажойибдир. Музей бу қадар турли ва нодир чолғу асбобларини жамлаш борасида ярим асрдан зиёд вақт мобайнида иш олиб борган.

Кўргазмада ўзбек чолғу асбоблари бўлими меҳмонлар эътиборини ром этди. Бу ерда ғижжак, домра, карнай, сурнай, ноғора, рубоб, дутор каби ўзбек миллий чолғу асбоблари ҳамда миллий либосларимиз ва дўппиларимиз намойиш этилган. Экспозициялар ёнига ўрнатилган изоҳ тахтачаларида кўп асрлик маданиятимизда муҳим ўрин тутган мусиқа ва чолғу асбоблари, ўзбек халқининг бой тарихи ва урф-одатлари хусусида ҳикоя этилади.

Миллий куй ва қўшиқлари садолари остидаги ўзбек тўйининг телемонитор орқали намойиш этилиши ўзбек коллекциясига ўзгача шукуҳ бахш этади.

Кўргазмада намойиш этилган миллий чолғу асбобларимиз мажмуаси Хорнимен музейи ва Шотландия миллий музейининг юртимизда олиб борган этнографик дастури мевасидир. Музей Осиё бўлимининг масъул ходими Бен Тигнинг маълум қилишича, мамлакатимизга уюштирилган сафар давомида тўпланган турли хил экспонатлар ўтган йили Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида бўлиб ўтган кўргазмада улкан зафар қучган.

Хорнимен музейи келгусида ҳам Британия жамоатчилигини ўзбек маданияти билан таништиришни мақсад қилиб қўйган. Кўргазма ташкилотчиларининг сўзларига кўра, уларнинг яқин орадаги режалари орасида Дунё қўғирчоқлари кўргазмасини ўтказиш ҳам ўрин олган. Мазкур кўргазмада ўзбек бадиий безак усталари томонидан яратилган экспонатлар кенг жой олади.

■ **Жаҳон АА.**

## ТАШРИФ ҚОЛДИРИЛДИ

АҚШ Президенти Жорж Бушнинг кейинги ойда Африкага мўлжалланган ташрифи номаълум муддатга қолдирилди. «Президент Буш ўта долзарб бўлиб турган ички ва халқаро сиёсий масалаларни муҳокама этиши лозим. Шунинг учун Африкага ташрифини кейинга қолдирди», дейилади Оқ уйнинг матбуот хизмати берган ахборотда.

Америка маъмуриятининг хабар беришича, деб ёзади Reuters агентлиги, Буш Ироқдаги вазиятни кузатиши ва ундан бохабар бўлиб туриши, бундан ташқари сенатда кўпчиликни ташкил этувчи янги етакчилар билан ички сиёсий масалаларни муҳокама этиши лозим.

## ПРЕЗИДЕНТ МАН ЭТДИ

Туркия Президенти Аҳмад Сезер сайловларда ғолиб чиққан Адолат ва тараққиёт партиясининг етакчиси Тайип Эрдоғаннинг мамлакат бош вазири бўлиши ҳақида парламент қонун қабул қилишини тақиқлади. Негаки, Эрдоған мамлакатда исённи тайёрлашда қатнашганлиги учун бир неча йил муқаддам жазога ҳукм қилинган. Туркия қонунларига кўра, дея хабар беради Reuters ахборот агентлиги, бундай шахслар бош вазир бўлиши у ёқда турсин, ҳатто парламент аъзоси ҳам бўлолмайдилар. Бунинг учун мамлакат Конституциясига ўзгартириш киритиш лозим, дея ўз қарорини асослади Президент.

Агар парламент Эрдоғаннинг бош вазир бўлиши ҳақидаги қонунни ёқлаб иккинчи марта овоз берсалар, у ҳолда Президент иккинчи марта бу қонунни тақиқлай олмайди. Чунки унда қайта ман этиш ҳуқуқи йўқ.

## ИҚЛИМ БЎЙИЧА БУТУНЖАҲОН КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Иқлим ўзгаришлари бўйича Бутунжаҳон конференциясини келгуси йил 29 сентябрдан 3 октябргача Москвада ўтказиш ҳақидаги Россия ташаббусини БМТнинг Бош Ассамблеяси қўллаб-қувватлади, дейилади «Новости» ахборотида. Россия Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот ва ахборот департаментидан берилган маълумотга кўра, БМТ Бош Ассамблеясининг 57-сессияси мазкур масала юзасидан резолюция қабул қилди.



## ИККИ ЮЗ МИЛЛИОНИНЧИ ТАШРИФ

Парижда Эйфел минорасига икки юз миллионинчи томошабин ташрифига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтганлиги ҳақида Associated Press ахборот берди.

Париж мэрининг матбуот котиби Изабел Эснаунинг айтишича, икки юз миллионинчи томошабин алоҳида тақдирланмади, балки умумий байрам қилинди. Унда 1200 нафар меҳмон қатнашди.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили минорага 6 миллион одам ташриф буюради.

Шуни яна эслатиб ўтиш лозимки, 1889 йили қад ростлаган бу миноранинг баландлиги 300 метрни ташкил этади.

**XORIJDA**

## КОНСУЛЛИК ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

Колумбия пойтахти Боготадаги Америка элчихонасининг Консуллик бўлими ўз фаолиятини 26 декабргача тўхтатди. Сабаб: АҚШ давлат департаментининг матбуот котиби Ричард Баучернинг Вашингтонда бўлиб ўтган брифингда айтишича, мамлакатдаги кескин вазият шундай қилишга мажбур этган. Бироқ мамлакатдаги Америка фуқароларига хизмат кўрсатувчи фавқулодда хизмат ўз фаолиятини давом эттираверади.

Дарвоқе, Reuters ахборот агентлигининг хабар беришича, Буюк Британия ҳам Колумбиядаги ўз элчихонасини 2 январгача ёпган.

## САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган президент сайловларида Янги минг йиллик демократик партияси вакили Ро Му Хен ғолиб чиқди. У сайловларда консерватив муҳолифатчи, Буюк давлат партиясининг етакчиси Ли Хве Чхан, Демократик меҳнат партиясидан Квон Ен Гил, «Бирлик» фуқаролар алянсидан Ли Хан Дон, Социалистик партиядан Ким Ен Гю, Ватан мудофааси партиясидан Ким Гил Су ҳамда мустақил номзод Чан Се Донлар билан кескин кураш олиб борди.

Сайловларда 35 миллионга яқин сайловчи иштирок этди. 5 йиллик муддатга сайланган Жанубий Кореянинг амалдаги Президенти Ким Де Чжуннинг президентлик ваколати келгуси йил февралда тугайди. Мамлакат Конституциясига кўра, у қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас.

Reutersнинг яна бир ахборотида Экваториал Гвинеяда ҳам президентлик сайловлари бўлиб ўтганлиги ҳақида айтилади. Ўз номзоди билан қатнашган мамлакатнинг амалдаги президенти Теодор Обианга Нгема Мбасого сайловчиларнинг 97 фоиз овозини олиб янги муддатга қайта сайланди. Унинг 4 рақиби эса сайлов арафасида ўз номзодларини қайтариб олдилар. Нгема Мбасого 1979 йилдан бери мамлакатни бошқариб келмоқда.

## СУИҚАСДДА ҚАТНАШГАН ЭКАН

Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе ҳаётига 1998 йил 9 февралда уюштирилган суиқасд иштирокчиларидан 2 киши Чеченистонда қўлга олинди. Улардан бири 38 ёшли Вепхвия Дурглишвили, иккинчиси 45 ёшли Сосо Тория бўлиб, улар 1998 йилдан бери қидирувда эди. Бу икки шахс Грузия фуқароларидир. Бу ҳақда Грузия Ички ишлар вазирлигидан хабар қилишди.

Ўшанда Эдуард Шеварднадзе кортежига террорчилар томонидан ҳужум қилиниши оқибатида президентнинг икки қўриқчиси ва бир террорчи ҳалок бўлган эди.

ИТАР-ТАСС берган хабарларга қараганда, Россия ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари уларни Грузияга жўнатишга тайёргарлик кўрмоқда.

## ГАЗЕТА АВТОМАТ-ДЎКОНДА СОТИЛАДИ

Энди Москва кўчаларида вақтли матбуот савдоси автомат дўконлар орқали амалга ошириладиган бўлиб турибди. Бу ҳақда Москва шаҳар мэри Юрий Лужков кўрсатма берди.

«Интерфакс» ахборотида ёзишларича, матбуот автомат дўконларига кетадиган харажат бюджетдан ташқари маблағ ҳисобига қопланади.

Автомат дўконлар яқин кунларда шаҳарнинг одамлар гавжум жойларига — йирик-йирик супермаркетлар ичига, кўргазмалар комплексига, меҳмонхоналарга, тиббий муассасаларга, метрога кириш жойларига, вокзалларга ва аэропортларга ўрнатилади.

## АҚШ РАЗВЕДКАСИ ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ

Ироқда иш олиб бораётган БМТнинг халқаро инспекторлари бошлиғи Ханс Бликснинг илтимосига кўра, АҚШ разведка маълумотларини БМТ билан ўртоқлашмоқчи. АҚШ разведкасида Ироқдаги оммавий қирғин қуролларига тааллуқли маълумотлар бор, дея хабар беради Би-Би-Си.

Бликснинг интервьюсида айтилишича, тақиқланган материалларни Ироқ қаерга яширганлигини АҚШ айтса, Бликс ўз инспекторларини текшириш учун ўша ерга жўнатади.

Разведка услублари Бағдодга ошкор бўлиб қолишидан эҳтиётланиш учун Америка шу пайтгача разведка маълумотларини ҳеч ким билан ўртоқлашмаётган эди. Эндиликда АҚШ Ироқнинг оммавий қирғин қуроллари яратиш ҳақидаги маълумотларини қаердан топиш мумкинлиги борасидаги разведка ахборотларини БМТ инспекторларига тақдим этмоқчи. Фақат АҚШни шубҳалантираётган яна бир факт шуки, БМТ инспекторлари орасида Ироқ жосусларига хизмат қилувчи хабарчилар ҳам бўлиши мумкин.

## ЭЛЧИХОНА ҚАЙТА ОЧИЛАДИ

Австралия ҳукумати келгуси йил 2 январдан Манилада ўз элчихонасини қайтадан очишга қарор қилди. Бу ҳақда Австралия ташқи ишлар вазири Александр Доунер хабар тарқатди. Эсингизда бўлса, элчихонага таҳдид кучайгани учун у шу йил 28 ноябрь куни ёпилган эди.

Reuters ахборотида ёзишларича, элчихона энди қаттиқ қўриқланади.

## ЭРОН ПРЕЗИДЕНТИ ЧАВЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДА

Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий Венесуэла Президенти Уго Чавес билан телефон орқали боғланиб, уни қўллаб-қувватлашини билдирди. «Мамлакатда қалқиб турган муаммо албатта, ортда қолади. Уни Чавес сабр ва донишмандлик билан, Венесуэла халқининг ёрдами билан енгиб ўтади», деди Хотамий. Бу ҳақда OPECNews ахборот агентлиги хабар берди.

Президентнинг истеъфо беришини талаб қилиб 20 кундан бери давом этаётган нефтчиларнинг иш ташлаши мамлакат нефть индустриясига анчагина зарар етказмоқда.

Маълумки, Венесуэла мамлакатда иш ташлашлар юз бермасдан аввал нефть экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринда турарди.

Бугунги кунда эса нефть хомашёси ишлаб чиқариш 90 фоизга қисқариб кетди, нефтни қайта ишловчи заводлар эса тўхтаб қолди, натижада нефть экспорти деярли амалга ошмаяпти.

Венесуэла Яқин Шарқдан ташқаридаги энг катта нефть заҳирасига эга бўлган давлат ҳисобланади. У даромадининг 80 фоизини нефть экспортидан олади. Шу кунларда эса иш ташлаш оқибатида мамлакат кунига 40 миллион доллар зарар кўрмоқда. Ёнилғи заҳиралари тугаб бормоқда.

Ҳозир мамлакатдаги ёнилғи қуйиш шахобчаларида автомобилларнинг узундан-узун навбатлари юзага келмоқда. Шунинг учун ҳам Венесуэла Олий суди иш ташлашни қонунийлаштириш ҳақида қарор чиқариш учун нефтчиларни иш ташлашни вақтинчалик тўхтатиб туришга чақирди. Бироқ улар бу чақириққа қулоқ солишмаяпти.






«Кўприк қурилиш» трестига қарашли

# «13-КЎПРИК ҚУРИЛИШ»

## ОТРЯДИ ЖАМОАСИ

мамлакатимиз халқини кириб келаётган **Янги 2003 йил**

билан самимий қутлайди. Ҳар бир оилага тинчлик, осойишталик, бахт-саодат тилайди.

Кейинги йилларда «13-кўприк қурилиш» отряди томонидан пойтахтимиз Тошкентнинг янада гўзал қиёфа кашф этишида кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Бир-биридан муҳташам ва салобатли кўприклар бунёд этилди.

Айниқса, Тошкент ички халқа йўлида қад ростлаган кўприклар транспорт қатновини равонлаштирди. Шаҳар экологияси мусаффолашишувига имконият яратди.

Отрядимиз бундан кейин ҳам Тошкентни жаҳоннинг ривожланган давлатлари пойтахтларидек виқор ва салобат кашф этиши йўлидаги ишларни давом эттираверади, изланаверади.

**Қадрли ватандошлар, сизларга барча эзгу ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!**

«13-кўприк қурилиш» отряди жамоаси





# СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

**ГЕОРГ ЛИХТЕНБЕРГ – НЕМИС МУТАФАККИРИ. 1742–1799 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

**(Давоми. Боши олдинги сонда.)**

- Дарҳақиқат, кўп одамлар ўйламаслик ҳуқуқига эга бўлиш учунгина мутолаа қиладилар.
- Одамларнинг ўқиган нарсаларини кам эслаб қолишларининг сабаби шундаки, уларнинг ўзлари жуда кам ўйлайдилар.
- Китоб деб, аслида, ўзида нимадир янгиликни мужассам этганинигина аташ маъқул бўларди, бошқа ҳаммаси — аллақачон у ёки бу соҳада нима қилинганлигини тез билиш воситасигинадир.
- Ҳар қандай яхши китобнинг шубҳасиз белгиси, — киши улғайган сари, унга кўпроқ ёқадигани.
- Машҳур ёзувчининг кўплаб асарларидаги, у қолдирган нарсаларга қараганда, у ўчириб ташлаган жойларни мен бажонидилроқ ўқиган бўлардим.
- Китоб калла билан тўқнашганида ва бунда қуп-қуруқ бўғиқ товуш эшитилса, наҳотки, ҳамиша китоб айбдор?
- Кўп мутолаа қилган одамлар камдан-кам катта кашфиётлар қиладилар; бегона сўзларни қайтаргандан кўра, ўзинг кўпроқ кўришинг керак.
- У доимо кўчирмалар қиларди, ва у ўқиган нарсаларнинг барчаси бир китобдан бошқасига, каллани четлаб, ўтарди.
- У саккиз жилд китоб ёзди. Агар у саккизта дарахт ўтқазганида ёки саккизта фарзанд дунёга келтирганида, сўзсиз, яхшироқ бўлган бўларди.
- Одамларнинг дин учун шунчалик тез-тез жанг қилишлари ва унинг кўрсатмалари бўйича шунчалик кам яшашлари ҳайрон қоларли эмасми?
- Адолат йўлини тутиш учун жуда кўп нарса билиш зарур эмас, аммо тўла асос билан адолатсизликни амалга оширмоқ учун ҳуқуқни чуқур ўрганиш лозим.
- Иккита чавандоз битта отнинг устида ўтириб, бир-бири билан уришмоқда — давлат тузумининг ажойиб ўхшатмаси.
- Ундаги бирдан-бир эркаклик белгисини у одоб туфайли кўрсата олмас эди.
- Ҳар бир кишининг, у заруратсиз кўрсатмайдиган ва, ўзи, ҳали имкони бор экан, одоб иштони билан ёпиб юрадиган, ахлоқий «тескари томони» бўлади.
- Кичкина камчиликларни қидириш — азалдан ўртамиёналикдан кўтарила олмаган ақл соҳибларининг хусусияти. Юксак ақл соҳиблари сукут сақлайдилар ёки бутунга қарши эътироз билдирадилар, улкан ақл соҳиблари эса, ҳеч кимни айбламай, ўзлари яратадилар.
- Ҳар қандай партиясизлик сунъийдир. Инсон ҳамиша партиявий ва бунда ниҳоят даражада ҳақ. Партиясизликнинг ўзи партиявийдир.
- Ўртамиёна одам ҳамиша ҳукмрон фикрга ҳамда ҳукмрон урф-одатга мослашади, у нарсаларнинг ҳозирги ҳолатини бирдан-бир эҳтимолий, деб ҳисоблайди ва ҳамма нарсага сусткаш муносабатда бўлади.
- Ҳаётда панд-насиҳатни, таскинга қараганда, тезроқ топасан.
- Одам жамиятни яхши кўради, бу, ҳатто, ёлғиз ёнаётган шамнинг давраси бўлганда ҳам.
- Ҳар бир кишининг феъл-атворида синдириб бўлмайдиган нарса бор: бу — феъл-атворнинг ўзаги.
- Энг соғлом ва келишган, мутаносиб етилган одамлар, булар — уларни ҳеч нарса ғазаблантирмайдиганлар.
- Бирон-бир янгиликни пайқаш учун, бирон-бир янгилик қилмоқ керак.
- Улар ҳукумат томонидан, ҳавонинг босими қанчалик бўлса, шунчалик оз босим ҳис этдилар.
- Биз талаб қилаётган тенглик, — бор-йўғи, энг чидаса бўладиган тенгсизлик даражасидир, холос.

**ЖАН ПОЛЬ МАРАТ – БУЮК ФРАНЦУЗ ИНҚИЛОБИ АРБОБИ. 1743–1793 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

- Сиёсат — ҳар қандай бошқа фан қандай бўлса, худди шундай фандир; у муайян низомларга, қонунларга, қоидаларга, шунингдек, бениҳоя хилма-хил бирикмаларга риоя қилади; у мунтазам ўрганишни, чуқур ва узоқ мулоҳазаларни талаб қилади.
- Халқларнинг қўрқоқлиги — мана нима улар учун занжирларни ясаш имкониятини беради.

**ДЕНИС ИВАНОВИЧ ФОНВИЗИН – РУС ЁЗУВЧИСИ ВА МАЪРИФАТПАРВАРИ. 1744 ЁКИ 1745–1792 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:**

- Одамнинг қалби ҳамиша қалбдир, Парижда ҳам, Россияда ҳам: у алдай олмайди.
- Тилидан Парвардигор тушмаганнинг қалбида шайтон бор.
- Бузуқ одамдаги илм ёвузлик қилишнинг шафқатсиз қуролидир. Маърифат эзгу қалбнигина юксалтиради.
- Порани ман қилиб бўлмайди. Биргина моянанг учун ишни қандай текинга ҳал этишинг мумкин?
- Менинг ёшроқ пайтимда халқ анчагина йирикроқ эди.
- Мансаблар бор экан, самимийлик йўқ.
- Битта одамнинг инжиқликларига бутун Сибирь камлик қилади.
- Табиатга эргаш — ҳеч қачон қашшоқ бўлмайсан. Одамларнинг фикрларига эргаш — ҳеч қачон бой бўлмайсан.
- Виждон хотиржам бўлганида, қалб нега хурсанд бўлмасин!
- Катта ишларсиз катта бойлик — ҳеч нима.
- Ақлнинг тўғридан-тўғри баҳосини хушфеъллик белгилайди. Унингсиз ақлли киши — маҳлуқдир.
- Мулоҳазали одамлар нигоҳида мансаби йўқ ҳалол одам – аслзода зот; фазилат ҳамма нарсанинг ўрнини босади, фазилатларнинг ўрнини ҳеч нима боса олмайди.
- Эринг бўладими ёки боғлаб қўйилганмисан, барибир.
- Ор-номус эр-хотин баҳамжиҳатлигининг жону дилидир.
- Эринг ақлга, сен эса эринга итоат эт ва ҳар икковингиз мутлақо хотиржам бўласизлар.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

**Рукн газетанинг 2001 йил 27 октябрдаги сонидан бошлаб берилмоқда.*


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиалида 2002 йил 20 декабрь куни ўтказилган танлов савдосида Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фитрат кўчаси, 405-уйда жойлашган 164-сонли болалар боғчаси 50 000 000 сўм, инвестиция мажбурияти билан 9 500 000 сўмга сотилди.

Шунингдек, ўтган ҳафтада ўтказилган 3 та биржа савдосида 18 та объект жами 77 150 000 сўмга сотилди.

**Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали Сизларни биржа савдоларига таклиф қилади. Биржа савдолари ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**


ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ



Бағридарё, саховатли инсонлар ҳақида Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб» асарида бундай ёзади: «Саховат одамийлик мулки (мамлакати) бебаҳо мавж уриб турган денгиздир, балки у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Саховатсиз одам — ёғинсиз баҳор булутига ва атри, хушбўйлиги йўқ мушк-анбарга ўхшайди. Шогирдсиз устозлар эса мевасиз дарахтдир. Мевасиз дарахт ҳам биру ўтин ҳам бир, ёғинсиз булут ҳам биру бутун тутун ҳам бир... Одам бир бадан бўлса, ҳиммат унинг жонидир. Ҳимматли одамлардан олам аҳли учун юз минг шараф ва шукуҳ етишади». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби; техника фанлари доктори, олий таълим фидойиси устоз Оқил Салимов ана шундай қалби дарё, ҳимматли инсонлардан бири. Ўзбекистонда фан ва техника соҳасида, автомобилсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги соҳасида ишлаётган етук мутахассисларнинг кўпчилиги Оқил аканинг шогирдларидир.

Оқил Салимов 1950 йилда Ўрта Осиё саноат-индустрия институтини битириб, аспирантурада таҳсил олди, машинасозлик саноати бўйича илмий изланишлар олиб бориб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. У таклиф этган техникавий ечимлар саноатга жорий қилиниб, автотрактор моторларининг қувватини ва иш салмоғини оширишга хизмат қилди. Ёш олим Ўрта Осиё политехника (ҳозирги Техника университетида) дарс бериш билан бирга илмий-тадқиқотларни давом эттирди. У кўп йиллар олий ўқув юртида ишлаб, ўқитувчиликдан то кафедра мудири, проректорлик ва ректорлик вазифаларида ишлаб, самарали меҳнати билан элга танилди. У кўп йиллар давомида Тошкент ирригация институти, Тошкент политехника институтларига раҳбарлик қилди. Ушбу Олий ўқув юртларининг илмий салоҳияти юксалиб, мамлакатимизда етакчи ўринларни эгаллади. Ўзбекистонда техника соҳасида малакали миллий кадрларни вояга етказишда, бу соҳа олимларининг истеъдоди, қобилияти, салоҳиятини юзага чиқаришда академик Оқил Салимовнинг хизматлари бор. Олимнинг шогирдлари Ўзбекистонда машинасозлик саноати қандай юксалишини фан ва техника тараққиёти суръатларига мувофиқ олдиндан белгилаш (прогнозлаш) билан ҳам шуғулланадилар. Домла иштирокида Тошкент политехника институтида йўл-автомобилсозлик факультети ташкил этилган эди. Шундан кейинги йилларда Тошкентда автомобилсозлик институти очилди ва бу олий ўқув юрти тез фурсатда Ўрта Осиё минтақасида бу соҳанинг малакали кадрларини етиштирувчи асосий илм майдонига айланди.

Оқил Салимов раҳбарлигида автомобилсозлик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу илмий ишнинг натижалари ҳозирги вақтда ҳам халқ хўжалигида катта фойда келтирмоқда. Автомобиль муҳарриклари (двигатель, моторлар)нинг қувватлари ошиб боришда, юқори фойдаланиш коэффициентига эга бўлган янги генераторларнинг ишлаб чиқарилишида устоз Салимов илмий-тадқиқотларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Бу иш натижалари мамлакатимиз Фанлар академияси физика-техника ва математика бўлимининг фундаментал илмий-тадқиқот ишларининг узоқ муддатли режага киритилгани ҳам бежиз эмас. Устоз кўп йиллар давомида фан-техника соҳасидаги бир қанча номзодлик ва докторлик ишлари бўйича ихтисослашган илмий кенгашларга раислик қилиб, республикамизда бу соҳа тараққиётига етакчилик қилди. Оқил ака илмий-тадқиқотларининг самараси сифатида 76 та илмий асарини (ўн тўрттаси монография) нашр қилди, ихтиролари учун учта муаллифлик шаҳодатномасини олди. Унинг таҳрири остида бир қанча ўзбекча-русча техника терминлари луғати нашр этилди.

Олим ҳаётининг энг нурли саҳифалари олий таълим тизими билан чамбарчас боғланиб кетган. У Ўрта Осиёда энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири Тошкент политехника институти (ҳозирги Техника университети)га раҳбарлик қилган йилларида университетнинг янги, салобатли биноси қад ростлади. Унинг атрофида боғлар барпо этилди. Бу ерда жаҳон илм-фани даҳоларидан Абу Райҳон Берунийнинг ҳайкали ўрнатилди. Олий илмгоҳнинг жуда кўп хорижий олий ўқув юртлари билан илмий-маданий алоқалари кенгайди, халқ хўжалиги учун амалий фойда келтирувчи илмий-тадқиқот йўналишлари кучайтирилди.

Нью-Йорк фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Олий мактаб Халқаро фанлар Академиясининг Ўзбекистон бўлими Президенти, фан доктори, профессор Оқил Салимов фақат ташкилотчилиги ва ишбилармонлиги билангина эмас, балки инсонпарварлиги, меҳр-муруввати, ёшларни қўллаб-қувватлаши, ислоҳотларда фаоллиги билан ҳам шогирдлари ва сафдошларининг ҳурмат-эътиборини қозониб келмоқда. Олим бутун ҳаётини илму фан, олий таълим тизими билан боғлаган. Бу йўлда ҳамон ҳормай-толмай меҳнат қилмоқда, изланмоқда. Фидойи инсон Оқил Салимов тўплаган тажрибалари, ҳаёт сабоқларини ёшларга ўргатиб, республика олий таълим соҳасига улкан ҳисса қўшмоқда. Устоз биз билан бир сафда туриб истиқлол иморатининг юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

■ **Саидаҳрор ҒУЛОМОВ, олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик**

БОКС

# ЯНГИ НОМЛАР КАШФ ЭТИЛДИ



**Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Ўзбекистон XI чемпионати ниҳоясига етди.** Унда Қашқадарё вилоятидан ташқари мамлакатимизнинг барча минтақаларидан ташриф буюрган 148 нафар «чарм қўлқоп» устаси ўн бир вазн тоифасида чемпионлик учун рингга чиқдилар.

— Бу йилги мусобақанинг олдингиларидан фарқи, қатнашчилар одатдагидек 12 вазн тоифасида баҳслашмадилар,— дейди чемпионат ҳакамлари раиси М. Сагатов. — Чунки 71 килограмм вазндагилар «жанги» мусобақа дастуридан чиқариб ташланганди. Шунингдек, 63,5 кг. вазн 64 кг.га ва 67 кг. эса 69 кг. вазнларга ўзгартирилди.

Чемпионат давомида ўзгартишларнинг мусобақа савиясига мутлақо таъсири сезилмади. Баҳсларда Ўткирбек Ҳайдаров, Беҳзод Ҳидиров, Икром Бердиев, Сергей Михайлов сингари бир қатор номдор боксчилар иштирок этишмади. Бу эса мутахассисларнинг улар ўрнига кўплаб ёшларни синовдан ўтказишлари учун имконият яратди. Кескин ва шиддатли кечган баҳслар нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам кўплаб иқтидорли боксчилар етишиб чиқаётганлигини кўрсатди. Айниқса, Жиззах, Фарғона, Хоразм, Сирдарё вилоятлари бокс мактаблари тарбияланувчиларининг совринли ўринлар учун чўчимасдан, дадил жанг олиб боришлари мутахассислар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Наманганлик Тўлашбой Дониёров (54 кг.) 1981 йилда туғилган. У уч карра Ўзбекистон чемпиони, XIV Осиё ўйинлари қатнашчиси. Тўлашбой финалда ўзидан тўрт ёш кичик бўлган андижонлик Баҳодир Султоновга қарши рингга чиқди. Бу жангда ўтган йили Бокуда ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионати олтин медали совриндори Баҳодир акасига сабоқ берди ва очколар ҳисобида ғалаба қозонди.



Чемпионатнинг олтин медаллари Комрон Қосимов (48 кг. Жиззах), Рафкат Эралиев (51 кг. Фарғона), Алишер Раҳимов (57 кг. Тошкент вилояти), Жаҳонгир Сувонқулов (60 кг. Жиззах), Баҳодир Сиддиқов (64 кг. Фарғона), Отабек Бобожонов (69 кг. Тошкент вилояти), Шерзод Абдураҳмонов (75 кг. Сирдарё), Шуҳрат Рўзметов (81 кг. Хоразм), Азиз Раҳмонов (91 кг. Фарғона), Рустам Саидов (+91 кг. Тошкент вилояти)ларга насиб этди.

Эътиборлиси шундаки, баҳсларни минглаб мухлислар билан бир қаторда ҳозирда Лас-Вегас(АҚШ)да профессионал бокс билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз олимпиада ва жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, жаҳон ва Осиё чемпиони Руслан Чагаев ҳамда уларнинг мураббийи Кенни Адамслар ҳам кузатиб боришди.

■ **Эркин ХОЛБОБО, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

✧✧✧





**Суратларда:** Муҳаммадқодир Абдуллаев тележурналист Х.Назарова билан суҳбатлашмоқда; Руслан Чагаев (чапда) бокс саройига ташриф буюрди; мусобақанинг тақдирлаш маросими.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.**

## «ОМОН ЁР» ҲИНД МАКТАБИ САҲНАСИДА

Яқинда Деҳлидаги Рамжас мактабида бўлиб ўтган тадбирда кўплаб меҳмонлар, Деҳлида аккредитация қилинган хорижий давлатларнинг дипломатия корпуси вакиллари, жумладан, ўзбекистонлик дипломатлар ҳам иштирок этди.

Тадбирнинг асосий қисмида Рамжас мактаби ўқувчилари Ўзбекистон, Хитой, Россия, Испания ва бошқа халқларнинг ашула ва рақсларини намойиш этдилар. Ўқувчилар ижросидаги ўзбек халқ қўшиғи «Омон ёр»га саҳналаштирилган рақс ҳам тўпланганлар олқишига сазовор бўлди.

-Ушбу маданий тадбиримизда намойиш этиш учун ўзбек халқ қўшиғи ва рақсини танлаганимиз бежиз эмас, — деди Рамжас мактаби раҳбари С.Л.Гуптахоним. — Чунки, азал-азалдан халқларимиз ўртасида ўзаро дўстона алоқалар мавжуд. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг эса бундай муносабатларимиз янада кенг ва кўтаринкилик, янгича мазмун-моҳият касб этди. Тадбиримизда минг нафардан зиёд меҳмонларимиз олдида ўзбек ва ҳинд санъатидаги муштараклик мактабимиз ўқувчилари томонидан намойиш этилгани бизга алоҳида кайфият бағишлади.

■ **Шуҳрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА мухбири**


Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «ТЭ-МУН» хусусий фирмасига шаҳар статистика бошқармаси томонидан берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Замонавий информацион технологиялари» илмий техникавий маркази раҳбарияти Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси бўйича хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюроси директори Тоҳир Солиҳович Султоновга отаси

**Солиҳ Абдуллаевич СУЛТОНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси бўйича хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган лойиҳа-конструкторлик бюроси жамоаси бюро директори Тоҳир Солиҳович Султоновга отаси

**Солиҳ Абдуллаевич СУЛТОНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

АНЖУМАН

# ЭКОЛОГИЯ ВА ДИПЛОМАТИЯ

Инсоният янги XXI асрга ер юзида экологик муаммолар билан бирга қадам қўйди ва дунёнинг бир минтақасидаги экологик ҳалокат бошқа ҳудудларга ҳам салбий таъсир қилишини англаб етди. Минтақавий ҳамда умумбашарий экологик муаммолар қалқиб турган бир вазиятда уларнинг ечими халқаро ҳамкорликни талаб этади.

Маълумки, мамлакатимиз ҳам экологик жиҳатдан мураккаб вазиятдаги ҳудудлар сирасига киради. Юртимизда экологик аҳволни барқарорлаштириш юзасидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Шу ўринда республикамизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Кеча «Экосан» халқаро жамғармаси республика Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Малайзиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда «Экосан» Тошкент клуби (Рим клубининг филиали) дипломатик корпус вакиллари билан ҳамкорликда экология ва дипломатия соҳалари ўртасидаги алоқадорликка бағишланган халқаро конференциясини ўтказди. Ўзбекистон Давлат Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бўлиб ўтган ушбу анжуман барчада қизиқиш уйғотди.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги мураккаб, экологик аҳволни ўрганиш ҳамда ижобий ўнгланишга эришиш йўлида якдилликда иш юритишни янада ривожлантиришга келишдилар.

— Экологик муаммо ҳеч қачон бир ҳудудга дахлдор бўлиб қолмайди, — дейди «Экосан» халқаро жамғармаси раиси Юсуфжон Шодиметов. — Зеро, бугунги экологик вазият умумбашарийлик касб этиб турганининг боиси шу.

Дарҳақиқат, ер юзида мусаффо иқлимни барпо этишга ҳар биримиз дахлдормиз. Фақат буни ҳамма ҳам англайвермайди.

■ **Саида САЙХУН**


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 1068
10476 nusxada bosildi
uzb ovozi@sarkor.uz.
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.15
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA